

БОШЛАНҒИЧ СИНФ АҚЛИ ЗАИФ ЎҚУВЧИЛАРДА ЎҚИШ ЖАРАЁНИДАГИ БУЗИЛИШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Хамраева Ирода Сайфуллаевна

Низомий номидаги ТДПУ доцент в/б, PhD.

Қўчқарова Нодира Ойбек қизи

Олигофренопедагогика таълим йўналиши

4-курс талабаси

Республикада таълим - тарбия соҳасига алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда. Замонавий билимлар асосида баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири¹⁶ қабул қилиниши халқимиз ижтимоий ҳаётидаги ўзига хос тарихий ҳодиса бўлди. Унда таълим-тарбия жараёнини тубдан ислоҳ қилиш белгилаб берилган. Зотан, таълим-тарбия жараёни даврнинг ижтимоий ўзгаришлари билан чамбарчас боғлиқлигини тақазо этади.

Шу жумладан, ақли заиф ўқувчилар таълим-тарбияси ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ақли заиф ўқувчилар шахсини ҳар тамонлама ривожлантиришда адабиёт, халқ оғзаки ижодиётининг ўрни беқиёсдир. Чунки, ахлоқ, одоб, илм-олиш, меҳнатсеварлик ва бошқа ижобий фазилатларга оид фикрлар халқ оғзаки ижодида айниқса, ўқиш жараёнида яққол намоён бўлади.

Илмий назарий тадқиқотлар давомида ўқиш жараёнидаги бузилишларнинг симптоматикаси ва механизмлари ҳақидаги тасаввурлар аста – секин тўпланиб борган.

Илк тадқиқотларда бу бузилишлар нутқ фаолиятининг мустақил патологияси эканлигини 1877 йилда А.Куссмаул кўрсатиб ўтган. Кейинчалик эса ўқиш ва ёзувида турлича бузилишлари бор болаларни таърифлаш ишлари юзага кела бошлади. Бу вақтда иш ва ёзувдаги патологиялар ёзма нутқнинг бузилиши бирлиги сифатида кўрилар эди. XIX аср охири ва XX аср бошларида адабиётларда ўқиш бузилишлари умумий ақлий нуқсонликнинг симптоми деб ва бу бузилишлар фақат ақлий томондан нуқсонли болаларда кузатилади деган фикрлар тарқалди (Ф.Бахман, Б.Энглер).

Ўқиш жараёнидаги бузилиш ақлий томондан нуқсони бор болаларда ҳам, ақлий даражаси нормада бўлган болаларда ҳам ва ҳаттоки, қобилиятли, истеъдодли болаларда ҳам учраши кузатилади. Иккинчи қараш бунда ҳақиқатга яқинроқ, чунки уларнинг фикрлари илғордир.

Ўқиш бузилишини алоҳида, мустақил характердаги бузилиш деб таъкидлаётган муаллифлар, бу бузилиш табиатини турлича кўриб ўтадилар. Ўқиш бузилиши асосида кўрув идрокининг тўлиқ эмаслиги ётади, деб таъкидлаган қарашлар кўпроқ учрайди. Шу қарашга мувофиқ дислекциянинг

¹⁶ “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т.: 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон. <https://lex.uz/docs/5013007>

механизми алоҳида ҳарф ва сўзлардаги кўрув образининг бузилиши ҳисобланади. Шу билан боғлиқ ҳолда ўқиш ва ёзувдаги камчиликларни “туғма сўз карлиги” деб номлана бошлади. Бу йўналишнинг намоёндалари Ф.Варбург ва П.Раншбургдирлар.

П.Раншбург ўқишда бузилишлари бор болаларнинг идрок қилиш майдони тор ва ҳарф, сўзни кўра билиш жараёни секинлашган бўлади, деган хулосага келди. Кўп ойлар давомида ўтказилган системали машқлар ҳарф ва сўзни кўра билиш вақтини қисқартиришга имкон берди. Бироқ кўрув идрокиннинг майдони аввалгидек бўлиб қолаверади. Бу текширишлар натижасида П.Раншбург ўқиш бузилишлари асосида кўрув идрокини чегараланганлиги ётади, деган хулосага келди.

П.Раншбург ўқиш бузилишларини биринчи марта оғир ва енгил даражага бўлди. У ўқиш бузилишини енгил даражасини у “легастения” термини билан атади, ундан фарқли ўлароқ ўқиш бузилишларини оғир ҳолатини “алекция” термини билан атади. Кейинчалик “дислекция” ва “дисграфия”, “алекция” ва “аграфия” тушунчаларини фарқлаш ҳолатлари келиб чиқди.

Таниқли психолог Т.Г.Егоров ўқиш кўникмасини шакллантиришда қуйидаги 4 та босқичини кўрсатиб берган:

1. Товушни ва ҳарф ифодасини ўзлаштириш.
2. Бўғинлаб ўқиш.
3. Ўқишда синтетик усулларини қўллаш босқичи.
4. Синтетик ўқиш босқичи.

Бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари маълум психологик тузилиши, ўзининг қийинчилиги, вазифаси ва ўзлаштириш усуллари билан характерланади.

Товуш – ҳарф ифодасини ўзлаштириш жараёни

Товуш – ҳарф ифодасини ўзлаштириш алифбегача ва алифбе даврида амалга оширилади. Шу билан бирга алифбегача ва алифбе даврининг бошида психологик тизим алифбе даврининг охирига қараганда бошқача бўлади.

Товуш – ҳарф ифодасини ўзлаштириш босқичида болалар нутқни, гапни таҳлил қилишади, сўзларни бўғинга бўлишади ва товушни ажратишади.

Бола нутқдан товушни ажаратади ва шу товуш ифодалаган ҳарфни топади. Кейин ўқиш жараёнида бола сўз ва бўғиндаги ҳарфни синтез қилади, ўқилган сўзни оғзаки нутқидаги сўзга мослаштиради.

Ўқиш жараёнида биринчи навбатда, ҳарфнинг график тасвири, фарқи кўриб идрок қилинади, лекин ҳарфларни идрок қилиш ва фарқлаш, ўқиш жараёнининг фақатгина ташқи томонидир. Шунинг орқасида тил товушларининг энг аниқ ва асосий характерлари ётади. Ҳарф нутқ товушининг ёзувдаги белгиси. Шунинг учун товуш – ҳарф ифодасини ўзлаштиришнинг мураккаб жараёни нутқнинг товуш томонини билиш ва нутқ товушларини аниқлаш,

фарқлаш билан бошланади. Шундан кейингина кўрув тасвирдаги товуш, яъни ҳарф кўрсатилади.

Товуш – ҳарф ифодасини ўзлаштириш жараёни бу томонларни ҳисобга олиб қуйидаги ҳолатларда ҳарфни тўғри ва муваффақиятли ўзлаштириш мумкин:

1. Бола нутқ товушларини фарқлай олсагина, товушнинг аниқ шакли тасаввурда бўлса ва эшитилиши, артикуляция жиҳатдан ўхшаш бошқа товушга аралаштирилмаса. Агарда товушнинг аниқ шакли бўлмаса, товушни ҳарфга мослаштиришни билмаса ўқишни ўзлаштириш қийинлашади. Ўрнатилаётган ҳарф битта эмас, балки иккита ёки бир нечта аралашма товушларга мос келиши ёки аксинча, турли ҳарфлар битта товуш билан айтилиши мумкин. Бу вақтда ҳарф секинлик билан ўзлаштирилади.

2. Агар болада нутқнинг умумлашган товуши, фонема ҳақида тасаввур бўлса, ўқишни яхши ўзлаштиради. Нутқ товуш муайян физик хусусиятларига, тил учун аҳамиятли ва аҳамиятсиз белгиларга эгадир (И.Болдеун де Куртене, Л.В.Шерб ва бошқалар).

Товушнинг маъно фарқлаш белгиси, яъни товушнинг ўзгаришида сўзнинг маъноси ҳам ўзгариши тилнинг аҳамиятли томонидир (масалан, жарангли – жарангсиз: сим - шим). Бундан ташқари товушларни талаффуз қилганда ўзига хос индивидуал сифатлари, яъни тембр, интонацияси бўлади. Унга қўшни товушлар, аниқса, ўзидан кейинги товушлар таъсир кўрсатади ўрганилаётган товуш нутқ ичида сўздаги ўрни ва ёнидаги товушга қараб ҳар хил эшитилади. Масалан, “С” товуши сўзда турлича эшитилади: соат, асал, автобус. Ҳамма ҳолатда ҳам товушнинг асосий белгилари сақланади. “С” товуши дарангсиз, қаттиқ, фрикатив ва тил олди товуши бўлиб қолаверади товушнинг мана шу хусусиятлари (белгилари) фонемани ташкил этади.

Бола нутқдан товушни ажратиб олишда, товушнинг сўздаги ўрнига боғланган ҳолда ўзгариши ва ҳамма шаклда талаффуз қилиши, товушни баъзи бир асосий вариант сифатидан олиши керак. Шундай қилиб, бола товушларнинг иккинчи даражали хусусиятларидан воз кечиб, фонемаларни аниқлаши керак. Ўқишга ўргатиш жараёнида фонемалар билан ҳарфларнинг мос келиши ва графема ҳақида тасаввурни шакллантириш лозим.

Энди ўқишга ўрганаётган бола учун ҳарф оддий график элемент бўлмай, балки бола учун жуда қийиндир. Ҳарфнинг бир қанча элементлари, фазода жойлашуви бола учун анча мураккабдир. Ҳарфларнинг фазода жойлашуви бир – бирига ўхшаш, бир элементнинг бўлиши ёки бўлмаслиги, юқори ёки пастда бўлиши билан бир – биридан фарқ қилади. Булар икки гуруҳга бўлинади:

А) фазода жойланиши бўйича (Н – П – И, В – Р ва бошқалар);

Б) қайсидир элементи билан бир – биридан фарқ қиладиган ҳарфлар гуруҳи (З – В, Р – В, А – Л, М - Л).

Психологик адабиётларда, бола ўхшаш элементларнинг фарқлашга қараганда, турли элементларга ўхшатиб қўйиш, ёзиш осон бўлади, деган асослар ёзилган (Б.Г.Ананьев). Фарқни аниқлаш асосида дифференциялашган тормозланиш ётади, бу эса болада қўзғалишга нисбатан анча кечроқ ва кучсиз ривожланган бўлади, деган асослар билан тушунтириш мумкин.

Ўрганилаётган ҳарфнинг бошқа ҳамма ҳарфлардан, шу жумладан, чизгиларининг ўхшаш ҳарфлардан фарқлаш учун, аввал ҳар бир ҳарфни ташкил этувчи элементларини оптик таҳлил қилиш зарур. Кўпгина ҳарфларнинг фарқи у ёки бу ҳарф элементларнинг фазода турли жойлашишидан иборат. Болада фазовий тасаввурни етарли даражада ривожлантиришда, ҳарфнинг оптик шаклини бола ўзлаштирган бўлиши керак.

Шундай қилиб, ҳарфнинг муваққиятли ва тез ўзлаштириб олишида қуйидаги функциялар етарлича шаклланган бўлиши мумкин:

А) фонематик идрок этиши (фонемаларни фарқлаш);

Б) фонематик таҳлил (нутқдаги товушларни ажратиш эҳтимоли);

В) кўрув анализи ва синтези (ҳарфларни ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш қобилияти);

Г) фазовий тасаввур;

Д) кўрув мнзисиси (ҳарфни кўриб эслаб қолиш).

Бўғинлаб ўқиш босқичи

Бола ҳарфни ўзлаштириб олгандан кейин бўғин ва сўзларни ўқийди, лекин бу босқичда бўғинни ўқиш жараёнида кўриб идрок этишнинг бирлиги ҳарф ҳисобланади. Бола бошида бўғиннинг биринчи ҳарфини идрок этади, уни товушга мослаштиради, кейин эса иккинчи ҳарфни, сўнг уларни бир бўғинга синтезлайди. Бу даврда ўқувчи бутун сўзни ёки бўғинни кўриб идрок қилмай, балки алоҳида ҳарфни идрок қилади. А.Трошин бу босқични “бўғинлаб ўқиш” деб номлади.

Шундай қилиб, бўғинлардаги товушларни талаффуз қилишдаги қийинчиликларни енгиб ўтишда болаларга фақатгина товушларни аниқлаш ва фарқлашни ўргатмасдан, балки оғзаки нутқдаги сўзлар, бўғин таркибидаги товуш ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишни шаклантириш зарур. Фонематик ривожлантириш даражаси етарлича бўлиши керак.

Бу босқичда ўқиш суръати жуда суст, бу эса даставвал ўқилаётган бўғинларнинг характери бирга келган бўғинларга (сто, сту) қараганда, оддий бўғинлар (ма, па, ба) тез ўқилади. Ўқилганларни тушуниш жараёни маълум хусусиятлари билан характерланади. Ўқилганларни тушуниш сўзни кўриб идрок қилишга ҳам боғлиқ. Сўзларни билиш ўқилаётган сўз овоз чиқариб ўқилсагина тушунарли бўлади. Аммо ўқилган сўзга ҳамма вақт ҳам тез тушуниб бўлмайди, шу сўзни болани оғзаки нутқдаги таниш бўлган сўзга мослаб тушунтирилади. Шунинг учун бола ўқилган сўзни тушуниши ва билиши учун шу сўзни тез – тез қайтариб туради.

Ўқиш тезлиги кейинги босқичда 2 – синфларга қараганда 3.5 баробар суст. Бу эса ўқиш усулининг бутунлиги, синтетик ўқишнинг йўқлиги билан тушунтириш мумкин. Бола сўзларни бўғинларга бўлиб ўқийди, бўғинларни сўзга бирлаштиради ва кейингина ўқиганларни тушуна бошлайди. Бу босқичда асосан, сўзнинг охирини ўқиганда маънони топиш алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозиргина ўқиб чиқилган сўзни қайтариб ўқишга ҳаракат қилиш характери ҳисобланади. Ўқишда асосан, узун ва қийин бўлган сўзлар тез – тез қайтарилади. Буни сўзларнинг бўғинлаб ўқишда сўзни сунъий тарзда бўлинган ҳисобланиб, оғзаки нутқдаги мос сўзга ўхшамаслиги билан тушунтириш лозим. Шунинг учун ҳам сўзнинг маъносини дарҳол тушуна олмайдилар. Бола сўзни бир неча мартаба такрорлаш йўли билан ўқиган сўзни маъносини билишга, унинг оғзаки нутқда маълум бир таниш сўз билан мослаштиришга ҳаракат қилади. Гапларни ўқишда сўзнинг такрорланиши йўқотилган маъноли алоқани қата тиклашга интилиш тушунилади.

Матнни тушуниш жараёни вақтинчалик ўқиганларни кўриб идрок қилиш жараёни орқали қолади, идрок қилиш жараёнига таъсир кўрсатмайди

Шундай қилиб, бу босқичда синтез қилишда қийинчиликлар бўлади, сўзларга, бўғинларга бирлаштириш узоқ ва қийин структурали сўзни ўқишда, гапдаги сўзлар ўртасидаги грамматик алоқаларни ўрнатишда қийинчиликлар бўлади.

ИДРОК ҚИЛИШНИНГ БУТУН УСУЛЛАРИ БЎЛГАН БОСҚИЧ

Бу босқич ўқишнинг аналитик ва синтетик усулларига ўтиш ҳисобланади. Бу босқичда сўзларнинг маъносини топиш аҳамиятли касб этади. Илгари ўқилганларини маъносига таяниб, кейинчалик кўрув идроки ёрдамида тез ва аниқ назорат қила олмайди. Бола тез – тез сўзларни, сўз қўшимчаларини алмаштириб туради ва унда топиб ўқиш кузатилади. Топиб ўқиш натижасида босма ҳарфларни ўқишда кўп хатолар пайдо бўлади, ўқиш хатолари тез регрессияга олиб келади, аввалги ўқилганларни тўғрилаш, аниқлаш учун қайта ўқилади. Фақатгина гап ичида маълум сўзларни топишади. Бу босқичда гап ичида сўзларни синтез қилиш асосий ўринни эгаллайди. Бу босқичда ўқиш суръати ошади.

СИНТЕТИК ЎҚИШ БОСҚИЧИ

Синтетик ўқиш босқичида сўзларни, сўз гуруҳларини бутун ўқиш усллари билан характерланади. Бола бу босқичда матнни техник ўқишда қийналмайди. Асосий вазифа эса ўқилганларнинг мазмунини тушунтиришдир. Бу босқичда ўқувчи, олдинги босқич каби фақатгина гаплардаги сўзларни синтез қилмайди, балки матндаги жумлаларни ҳам синтез қилади. Ўқиш жараёнида хатолар ҳам учрайди. Маънони топиш бутун идрок қилишини етарлича ривожланганлигини назорат қилади. Ўқиш суръати анча тезлашган бўлади.

Ўқиш кўникмасини шакллантиришнинг охириги босқичида гапдаги сўзларни ва матндаги гапларни синтез қилишда ҳам қийинчиликлар бўлиши мумкин. Боланинг оғзаки нутқини, нутқнинг фонетик (талаффуз, фонемаларни

фарқлаш, фонематик анализ - синтез) ва лексик, грамматик томони, фазовий тасаввурларини кўриш, анализ – синтез қилишни етарлича ривожланганлиги ўқиш кўникмасини муваффақиятли ўзлаштиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўқиш – бу нутқий фаолиятнинг бир тури бўлиб, бунда ҳарфлар коди товушлар ахбороти орқали қабул қилинади. Ўқишни билиш, эшитиш нутқий ҳаракат образларини ўз ичига олади. Бу учлик жараёни ўқишнинг турли кўринишларини сақлаб қолади (овоз чиқариб ҳамда овоз чиқармасдан ўқиш). Биринчи ҳолатда нутқ двигател компоненти (ҳаракат компоненти) ташқи нутқ кўринишида бўлади, иккинчи ҳолатда эса, ички нутқ кўринишида бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аксенова А.К. Методика обучения русскому языку в специальной (коррекционной) школе. М.: Владос, 2004.
2. Петрова В.Г. Психология умственно отсталых школьников. Учебное пособие / В.Г. Петрова, И.В. Белякова. – М.: Академия, 2002. – 160 с. – (Высшее образование).
3. Егоров, Т.Г. Психология овладения навыком чтения / Т.Г. Егоров. – Санкт-Петербург: КАРО, 2006. – 304 с. – ISBN 5-89815-774-3.
4. Трошин, Г. Я. Первый опыт сравнительного изучения читательского развития нормальных и аномальных детей: (фрагменты главы XV "Литературно-художественное чувство") / Г. Я. Трошин // Дефектология. - 2007. - N 1. - С. . 48-57.
5. Нуркелдиева Д.А. Ақли заиф болаларни мактаб таълимига нутқий жиҳатдан тайёрлигини аниқлаш методлари. П.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. – Т.: 2001.
6. Мусаева Н.С. Ақли заиф ўқувчиларда вербал ва новербал мулоқотга киришиш кўникмаларини таълим жараёнида ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Т.: 2018.